Barhayot siymo



БАРҲАЁТ СИЙМО

Адиблар хиёбонидаги ҳар бир ҳайкал ўзи гавдалантирган шахснинг қандайдир бир махсус тийнатини ифодалайди. Бошқача айтганда, ҳайкал муайян ўзига хос белги асосида яратилади. Кўпчилиги шундай: ёрқин белгилар асосида тикланган ҳайкаллардир.

Ҳайкалтарош ҳам санъаткорки, аниқ тиргак топсиз санъат асари ярата олмайди.

Ғафур Ғулом ҳайкали [illegible], ўктам, дўппини қийшиқ кўндирган аллома шоир тимсолини гавдалантиради. Шоирнинг болалик дўсти, буюк адиб Ойбек уни умрининг охиригача хазиллашиб Шум бола деб бежиз айтмаган. Шоирнинг ўзи ҳам бу номдан фахр туйғусини туйганини, озор чекмаган. Таниқли адибимиз Омон Мухтор ёзади: "Бухорода Лабиҳовуздаги Насриддин Афанди ҳайкалига расм солсангиз, Ғафур акани эслатади: ҳайкалтарош ундан нусха олган, дейишади. Умуман, Хўжа Насриддинга хос деярли барча хислат – зукколик, донолик, топқирлик, ҳатто шумлик ("Шум бола"ни бекордан ёзмаган) – бу одамда мужассам эди". Бу адибнинг "Йигирманчи аср Насриддини" мақоласидан олинган фикрлардир. Менга эса Лабиҳовуз ва Адиблар хиёбонидаги ҳайкаллар [illegible] бир белгиси билан [illegible] туюлади.

Ғафур Ғулом Афандини ғоят севар, унга эргашар эди. Ҳатто, ўзини унга тенглаштирган ҳам: "Ғафур деган бир Насриддин китоби...". Бу шоирнинг жўмард шеъри "Бизнинг уйга кўчиб ўтинг, дўстларим"даги мисра. Аллома умр шомида Хўжа Насриддинга яна қайтиб бир ҳикоя ва қатор латифалар яратгани ҳам бежиз ва беҳикмат эмас, албатта.

Ҳар одамнинг ўз нафаси бўлганидек, ҳар замоннинг хос нафаси бор. Ғафур Ғулом ўз даврининг шоири, бир пайтнинг ўзида барча даврлар шоиридир. Ушбу қўш хислат ҳар қандай улуғ шоир учун зарурий белгидир. Ўз даврида қолиб кетган шоирлар қанча.

Ғафур Ғулом халқ ва адабиёт томонидан доимо эъзозланиши – шундан.

Сувон МЕЛИ,
филология фанлари номзоди